Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**01.01.2022 даги**

**Жиззах вилоят ИИБ ва Жиззах вилоят хокимлиги Молия бошкармаси ўртасида 6391089,00 сўм умумий суммага тузилган 1-22/108 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 092

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100021860084017011312092018

сўмда

| **2022 й. ойлар номи.** | **Харажатлар тури**<br>**(бюджет таснифининг тегишли коди)** | **Жами** |
|---|---|---|
| | **4293000** | |
| Январь | 2 130 363,00 | 2 130 363,00 |
| Февраль | 2 130 363,00 | 2 130 363,00 |
| Март | 2 130 363,00 | 2 130 363,00 |
| Апрель | | |
| Май | | |
| Июнь | | |
| Июль | | |
| Август | | |
| Сентябрь | | |
| Октябрь | | |
| Ноябрь | | |
| Декабрь | | |
| **Жами йил бўйича** | **6 391 089,00** | **6 391 089,00** |

Жами 6391089,00 сўм Олти миллион уч юз тўқсон бир минг саксон тўққиз сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ________ сўм ёки ______ % *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20 ______ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______ % жорий ойнинг ______ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Рахматуллаев А. Р.
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Латифов М. А.
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________
(имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ______________ 20___й.

«___» ______________ 20___й.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ўринбосари-қўриклаш бош бошкармаси бошлигининг 2019 йил “07” августдаги 42-сон буйруғига ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриклаш хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахсларга қўриклаш хизматини кўрсатиш бўйича**

**ШАРТНОМА**

Жиззах шаҳри №1-22/108-сонли 2022 йил «01» январь

Жиззах вилояти Қўриклаш бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи полковник О.А.Амиров (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, Жиззах вилоят Молия бошкармаси номидан шартномага асосан фаолият юритувчи бошлиғи в.в.б А.Р.Рахматуллаев (кейинги ўринларда Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

**1 боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи Миллий гвардия қўриклаш хизмати, харбийлаштирилган ва сокчилик қўриклаши кўринишида техник қўриклаш пунктидан (кейинга ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриклаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2 боб. Умумий шартлар.**

2. Буюртмачи Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчасида жойлашган Жиззах вилоят Молия бошкармасининг махсус хонаси (кейинги ўринларда объект деб юритилади) ни иш кунлари ва шанба кунлари 8 соат, соат 24-00 дан 08-00 гача, якшанба ва байрам кунлари 24 соат кечки қўриклов оркали ТҚП ва ҚЁОС воситалари билан қўриклаш учун Ижрочига топширади. Ижрочи кабул килади.

3. Объектнинг қўриклаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдикланадиган кириш-чикиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномасига мувофик амалга оширилади ҳамда мазкур шартномага илова килиниб унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриклаш воситалар билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриклаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиккан холлар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриклаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

6. Объектни қўриклашда Буюртмачи билан келишилган холда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида Миллий гвардия хизмати қўриклаш тури йўлга қўйилади. Объектда сокчилик қўриклаш тури ва харбийлаштирилган қўриклаш объектга 30 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган ижрочи эса чакириб олинади.

**3 боб. Тўловларни амалга ошириш.**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос холда қуйдагича ҳисобланади:

Пост-соат ҳисобида қўриклаш хизмати ойига 2 130 363 (икки миллион бир юз ўттиз минг уч юз олтмиш уч) сўм, 3 ойга 6 391 089 (олти миллион уч юз тўксон бир минг саксон тўккиз) сўм бўлади.

Ижрочи балансида турган сокчи итни саклаш учун ойига 00 сўм, 12 ойга 00 сўм бўлади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофик ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдикланган холларда кайта кўриб чикилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи микдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома такдим килингандан сўнг Буюртмачи 5 кун ичида аванс тўловини чикариб ташлаган холда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини такдим килишга хаклидир.

Мазкур шартнома бекор килинган холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича кайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

**4 боб. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари.**

13. Буюртмачи куйидаги ҳукукларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриклаш тартибига риоя этишни талаб килиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш холатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф килиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб килиш;

Ижрочининг хизматни ташкил килиши ва амалга оширишини, кўриклаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат килиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир холати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусҳадан далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аникланган такдирда, ижрочидан уларни бартараф этишни талаб килиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шарноманинг ажралмас кисми хисобланган 20____ йил «________» ________ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриклашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник кўриклаш воситалари *(объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметири бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар)* билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмирлаш;

ҳар кандай моддий кимматликларни объект худудининг девор тўсиғидан 10 метр узокликда *(объект жойлашувини ҳисобга олган холда)* жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустахкамлигини, кўриклашнинг техник воситалар билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси холатини текшириш кўригини ўтказиш, аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу хақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган кўриклаш режими талабларини бажариш ва техник кўриклаш воситаларининг тегишли холатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни кайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир кисмини бошка шахсларга ижарага бериш ёки мулк хукукини ўтказиш, кўриклаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки кўшимча кўриклаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хакида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриклаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳакда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриклашга топшириш. Объектни кўриклашга топширганлик хакида ТҚПни хабардор килиб, 5 дакикадан сўнг объектнинг кўриклашга кабул килинганлиги ҳакида ишонч хосил килиш;

объектни, ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси билан жихозланган ҳар бир алохида хонани кундалик кўриклашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриклаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш холатини текшириш, кўрикланадиган биноларда электр жихозларининг, бошка ёнғин манбаларининг ёкилган холда колиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда колишига йўл кўймаслик;

кўрикланаётган худудда бинодан ташкарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатда кайта ҳисоб-китоб асосида қабул килиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда кўриклашга топшириш;

махсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо кўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриклашга топшириш, кўриклаш тугагандан сўнг кўриклашдан чикариш;

кўрикланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги хакида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор килиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга кадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриклаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор килмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги коидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид кисми билан таништириш.

15. Ижрочининг хукуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чикиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб килиш:

Мазкур шарномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор килиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошка ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриклаш техника воситаларини жорий килиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувофик кўриклаш нарядини жорий килиш:

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувофик объектни ҳамда кўриклашга топширилган моддий кимматликларни кўриклашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўрикланаётган худдудаги лекин бинодан ташкарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган холатини текшириб, кайта хисоб китоб асосида кабул килиш-

топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда хамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда кабул килиб олиш;

объектда кириш-чикиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чикилишини назорат килиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриклаш вактида жойдаги ёнғин хавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чикиши ёки ёнғиндан кўриклаш сигнализациясининг ишлаб кетиши холатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аникланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниклаш ва объектни кайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиртириш, текшириш натижалари ва объектни кайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил килиш ва амалга ошириш, кўриклаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриклашга кабул килганда ва топширганда объектдаги техник мустахкамлик бўйича ва кўриклашнинг техник воситалари билан боғлик аникланган барча камчиликлар ҳакида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда хар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамланганлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриклаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳакда хабардор килиш мудцати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусҳадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусҳасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар кўрилиши учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриклаш хизмати навбатчилик кисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриклаш хизмати вакили етиб келгунга кадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5 боб. Томонлар жавобгарлиги.

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўланмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пения тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеня тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аникланган ҳолларда зарар тўлик микдорда копланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниклаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар микдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириб, комсиссия аъзолари томонидан тасдикланади. Низо мавжуд бўлган такдирда зарар микдори суднинг карори билан аникланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни копламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамасдан, зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган карори, билан тасдикланса.

Қабул килиш-топшириш журналида кайд килинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюрмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пения) тўлаш ҳамда зарарни коплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартирилиши ва бекор килиш вактида тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суд томонидан кўриб чикилади.

## 7 боб. Форс-мажор.

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муаян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод килинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч холатига ҳавола килувчи томон бошка томонни бундай холатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор килиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод килиш асоси сифатида кўрсатишга хакли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошкинлари, ер кимирлаши ва бошка табиий халокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат хокимияти ва бошкаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч холатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор килишга хакли.

## 8 боб. Якуний коидалар.

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилади.

29. Мазкур Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган такдирда хакикийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш хакидаги таклифга иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга такдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал килиш муддати куйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб номуайян муддатга амал килади.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 март куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган такдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор килиш хакида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум килмаса, мазкур Шартноманинг амал килиш муддати худди шу муддатга шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник кўриклаш воситалари Буюртмачининг айби билагн ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб килса, бирок Буюртмачи буни рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум килган холда алохида объектларни кўриклашни рад этиши мумкин. *(эслатма: тоифаланган ва банк объектлари бундан мустасно)*

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишда огохлантирган холда бир томонлама бекор килишга хакли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида кўриклаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор килишга хакли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум килади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чикиб Томонлар мазкур Шартномага конун хужжатларига мувофик ҳуқук ва мажбуриятларини назарда тутувчи кўшимча бандлар киритишлари мумкин.

## 9. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

**Ижрочи:**
***Жиззах вилоят Кўриклаш бошкармаси***

Юридик манзили: Жиззах шахри Сайилжойи кўчаси 5-уй.
Банк маълумотлари: Марказий банк Жиззах вилоят бош бошкармаси
Х/Р 21596000600567049001
МФО: 00018
СТИР: 202383751
ОКОНХ: 97920

Бошлиғи
полковник: О.А.Амиров

«01» январь 2022 йил

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY GVARDIYASI JIZZAX VILOYATI
QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY
EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
2022 yil «01» 01 da
8 RAQAM BILAN
QAYD ETILDI IMZO

Ҳуқукшунос: С.А.Эргашев

**Буюртмачи:**
***Жиззах вилояти Молия бошқармаси***

Юридик манзили: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси
Банк маълумотлари: Марказий б. Тошкент ш. КККМ
Х/Р 23402000300100001010
МФО: 00014
СТИР: 201122919
КТУТ:
Ғазначилик бўлинмасининг номи
ИНН: 201672836
ЯГХ: 100021860084017011312092018
Банк номи:
Тел: 226-3773
МФО
Ғазначилик бўлинмасининг
СТИР

Бошлиғи в.в.б. А.Р.Рахматуллаев

«___» январь 2022 йил

(Илова №-1)

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси
бошлиғи полковник

О.А.Амиров

"01" "___01___" 2022 йил

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Жиззах вилоят Молия бошкармаси
бошлиғи в.в.б

А.Р.Рахматуллаев

"____" ______________ 2022 йил

Жиззах вилоят Молия бошкармаси маъмурий биносини техник куриклаш пункти хизмати оркали, Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси томонидан қўриқлаш бўйича

## ХИСОБ - СМЕТАСИ

| № | Объект номи | Объектнинг жойлашган манзили | Қўриқлаш тури | Штат бирлиги | ҚЁСТ воситаларнинг сони | Хизматитлари сони | Қўриқлаш вақти (соат) | | | Бир йилга жами қўриқлаш соати | Қўриқлаш хизматининг нарҳи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Иш кунлари | Шанба кунлари | Якшанба ва байрам кунлари | | Бир соат учун | Ўртача бир ойга |
| 1 | Махсус хизмат хонаси | Жиззах шаҳри | ТКП | | | | 8 | 8 | 24 | 4005 | 6256 | 2087940 |
| 2 | ҚЁСТ воситалари учун | | | | 1 | | | | | | 29547 | 29547 |
| 3 | Uzmobile SIM 1 | | | | 1 | | | | | | 6350 | 6350 |
| 4 | Ucell SIM 1 | | | | 1 | | | | | | 6526 | 6526 |
| | Жами | | | | | | | | | | | 2 130 363 |

Қўриқлаш хизмати учун бир ойлик тўлов миқдори: 2 130 363 (икки миллион бир юз ўттиз минг уч юз олтмиш уч) сўм

Бош хисобчи:

Бош хисобчи: